

Ишга яраб қолса илминг бир муддат, Яна оширмоққа айлагил шиддат.

Мирзо УЛУФБЕК

Наманган вилояти ҳокимилиги ҳамда «Маҳалла» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари ҳамкорликда Давлатобод туманида яшовчи 8 жуфт йагит-қизларнинг никоҳ ва яна шунча болаларнинг хатна тўйлари тантанали ўтказиб берилди. Келин-куёвларга никоҳ гувоҳномалари, болаларга омонат дафтарчалари тақдим этилди.

JUMLADA JAHON

• Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш бўйича халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллаб, уларнинг эзгу ишларига муваффақиятлар тилади.

• Чуст туманида яшовчи қирғиз миллатига мансуб бир гуруҳ фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга дил сўзлари изҳор этилган мактуб йўллаб, юртимизда барча миллат вакиллари тинч ва яхши бўлиб яшашларини таъминлашда олиб бораётган ишларини ниҳоятда қадрлашларини билдирдилар.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайловлар ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

• Токиода таниқли ўзбек фотожурналистларида Владимир Ковреин ва Фарход Курбонбеовларнинг кўргазмаси ўтказилди.

• Россия ва Финляндиянинг тинчлик тарафдорлари Санкт-Петербургда ўтказилган конференцияда халқаро террорчилик муаммоларини муҳокама қилдилар.

• Россия пойтахтининг Капотня туманида 76 та қопга жойланган тўрт тонна портловчи модда топилди.

• Колумбияда яширин наркотик моддалар савдоси ва нарккомафияга қарши курашиш билан шугулланадиган 1000 кишидан иборат махсус янги бўлинма ташкил этилди.

• Собик СССРнинг сўнги президенти Михаил Горбачёвнинг рафикаси Раиса Максимовна Горбачёва ГФР шифоналарининг бирида оғир касалликдан сўнг вафот этди.



ТЕННИС ҲАФТАЛИГИ ЯКУНЛАНДИ



Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги «Президент кубоги» олтинчи Халқаро теннис турнири бир ҳафта давомида ўз ишқибозларига сўнгсиз қувонч улашди. Ўтказилган беш турнирдан бу галги теннис байрамнинг ўзига хос фарқи жихатлари бор.


Аввало, шу кунгача қилинган ҳаракатлар, интилишлар ўз мевасини бера бошлади. Йил сайин нуфузи ошиб бораётган ATP – TOUR таснифидоги «Президент кубоги» халқаро теннис мусобақаларининг ғолиблари қаторидан Ўзбекистон вакили ҳам жой олди. Юртимизнинг биринчи ракеткаси О. Огородов жуфтликлар ўртасида кечган мurosасиз бахсларда муваффақиятли катнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Табиийки, бу воқеа миллионлаб теннис мухлисларини кўз ўнгига юз берди, ўзбекистонликларга яна бир гуруҳ ҳиссини ҳада этди. «Президент кубоги» олтинчи Халқаро турнирининг финал учрашувлари ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Яққа беллашувларда барча учрашувларни галаба билан якунлаган германиялик Н. Кифер ва швейцариялик Т. Бастел ўртасидаги ғолиблик учун кураш германиялик теннисчи фойдасига якунланди – 6/4, 6/2. Ва Н. Кифер 66 минг 400 доллар (АҚШ) миқдорда пул мукофоти ва 170 рейтинг очкосига эга бўлди. Жуфтликлар ўртасида ҳамюртимиз О. Огородов, швейцариялик М. Россе

сўнги босқичгача муваффақиятлари етиб келган Л. Манта, М. Кейларга қарши қортга тушди. Ҳар бир очко учун кечган кескин курашлар натижасини икки сетни бир хил 7/6 (5), 7/6 (5) тайбрекда қўлга киритилган очколар ҳисобига ўз фойдасига ҳал қилган О. Огородов, М. Росселар турнир ғолиблигини қўлга киритдилар. Шу кун «Юнеско» марказий теннис майдонидаги финал ўйинларини ҳаяжон билан кузатиб ўтирган мухлислар орасида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳам бор эди. Мусобақалар якунида ғолибларга совринларни топшириш учун юртобшимизга сўз берилди. Президент қўтаринчи руҳда ўтказилган турнир ташкилчиларига, ҳомийлар ва турнирни кенг оммага ёритишда фаол қатнашган журналистларга, қолаверса, иштирокчиларни қўллаб-қувватлаган мухлисларга миннатдорчилик изҳор этди. «Мана шундай меҳмондўст, бағри очик, кенг имкониятлар соҳиби бўлган халқ вакили эканлигиндан ғурурланаман», — дея таъкидлади Огородовнинг ATP – TOUR таснифидоги мусобақалар ғолиби бўлиши билан барчани муборакбод этди. Аънанавий теннис ҳафталиги ўз ниҳоясига етар экан, унинг ўзгача ҳозирба ҳозир этиб бораётганига ишонч ҳосил қиласиз. Асосий мусобақалардан ташқари «Оилавий турнирлар», «ОАВ ходимлари турнири», «Болалар турнири» каби кўнгилочар, серзавқ мусобақалар деярли барчани ўзига ром этди. Турнирнинг махсус лотерея ўйинлари омад эгалларини аниқлашнинг омили бўлди. Ло-

торея бош соврини — «Нексия» автомобили ҳам ўз эгасини топди. Ана шундай пайларда Ўзбекистон — чексиз имкониятлар мамлакатига эканлиги ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, хусусан, 1992 йил 14 январь кун «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган кезларда юрт доверуни дунёга таратиш ишқи, бугунгидек ғурурбахш кунлар ният қилинган бўлса, не ажаб. Йил сайин ўзбекистонлик спортчилар учун Олимпиада, Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Халқаро турнирлар эшиклари кенгрок очила бошлади. Мунтазам саъй-ҳаракатлар натижасида «Алпомиш ўйинлари» ташкил этилди, Халқаро «Кураш» ас-

социацияси тузилди. Ўқувчи-ёшларнинг халқаро мусобақаларда фаол иштирокини таъминлаш, спортчиларнинг янги авлодини тарбиялашга туртки бўлган Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиқиб, амалга татбиқ этилди. Бундан роп-роса бир йил муқаддам, 11 сентябрь кун «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида теннисни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, теннис федерацияси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мактабларда кичик теннисни жорий этиш халқаро лойиҳаси асосида теннисни мактаб дастурига киритиш бўйича тажриба ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида тренерлар тайёрлаш учун белгиланган квотадан ортиқча 20 тадан ўрин ажратилиши кўрсатилди... Қисқа қилиб айтганда, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ халқимиз миллий маданиятининг бир қисмига айланган, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга, ВАТАН шухратини оламга ёйишга хизмат қила бошлади. Дарҳақиқат, спортчиларимизнинг мустақиллик йилларида халқаро майдонлар узра эришган ютуқларига дунё ахли тан берди, Ватан шухрати тилларда дoston бўлди. «Президент кубоги» мусобақаларини Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноб Самаранч икки марта келиб қузатди.

(Давоми 4-бетда)



ИСТЕЪДОД ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Кўпчилик улуг мутафаккир бобомиз Мирзо Улуғбекнинг муסיқий қобилиятидан беҳабар бўлса керак. Узоқ Шарқшунослик институти архивидан сақланаётган «Муҳит-аттаворих» номи қўлёзмада Улуғбекнинг куй басталаганлиги ва «Шодиёна», «Ахлоқий», «Усули равон», «Улусий» каби муסיқа асарлари унинг ижодидаги мансублигига хусусида ёзилади.

МУҲОЖИРЛАРГА БАЙРАМ

АҚШга бундан 212 йил муқаддам, конституция тасдиқланган кун келган илк муҳожирам мамлакат фуқаролигига қабул қилинган. Шундан бунён бу давлатда ушбу сана Фуқаролик кунини сифатида нишонланади. Яқинлашиб келатган бу йилги байрамда, АҚШ муҳожирилари қизматли муаммоларига қараганда, 20 мингга яқин муҳожирларнинг мамлакат фуқаролигига қабул қилиниши кутилмоқда.

ЯНГИЧА УСУЛ

Исроил давлати соҳибкорлари шу кунларда экинларни суғоришни янгича усулини қўллаш тараддуидилар. Бу усулга кўра, Экин экилган майдонга махсус ўлчакчилар қўйилади, бу қурilmалар эса ўсимликнинг сувсизлик даражасини аниқлаб, махсус жойга ахборотлар жўнатиб туради. Усимликларнинг чанқаганлиги ҳақида ахборот олинishi билан суғориш тизими ишга туширилади.

УМИД УЙҒОНМОҚДА

Ой орбитаси бўйлаб сузиб юрган Американинг «Лунар Проспектор» фазовий кемаси ойда оғирлиги 10 миллиард тоннадан зиёд бўлган музликлар борлиги ҳусусида хабар берди. Сув бор — ҳаёт бор. Эндилкида, илмий кузатиш ишларини Ойда давом эттириш эҳтимоли борлигидан мутахассисларда янги умидлар уйғонмоқда.

Бошланғич синфларда кичик олимпиада 2-бет

Ta'lim nazariyasi Бахру байт санъати 3-бет

Бахру байт санъати 3-бет

ЭРКИН ФИКРЛАШ МАШАҚҚАТИ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Тошкент шаҳридаги лицейлардан бирида «Математика ва гўзаллик» мавзусида суҳбат уюштирилди. Бундан қузатилган шундай бўлса, базилариники теранлиги билан ажралади туради. Фикр мустақиллиги эса тафаккурнинг сифатларидан бири бўлиб, бу фазилат инсоннинг ўз олдига янги вазифалар қўя олиши, қўйилган вазифани ҳал қилиш йўллариини топиш кўникмасида акс этади.

қонунларини билишда эса сезги органларимиз фаолияти етарли аҳволда қолади. Бундай объектлар тафаккур орқали ўрганилади. Фикрлаш фаолияти атроф-борлиқни таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, абстракциялаш, конкретлаштириш ёрдамида идрокланади, натижада эса, киши миясида тушунча, мулоҳаза, хулоса ўз ифодасини топади.

ради. Кейинчалик — ўқувчи дарс жараёнида, дарсдан ташқари машғулотларда билимини оширади, дунёқарашни ўсади, унинг мустақил фикр юритишига замин ҳозирланади. Таълим олиш жараёнида ҳар бир ўқув предмети боланинг фикрлаш фаолияти ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Шу жумладан, математика предметини ўқувчининг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришда кенг имкониятларга эга. Маълумки, математика дарсларида масала, мисол ечиш янги мавзунини ўзлаштиришда, муайян кўникма ва малакаларни шакллантиришда асосий воситалардандир. Берилган масалани ечишда биринчидан у таҳлил қилинади, яъни маълум ва номаълум берилганлар аниқланади, улар орасидаги муносабат қонунларини ўрнатиш учун ўқувчи билган ахборотлари билан етишмаётган билдилар солиштирилади. Ўқувчи аввал ечган масалалар билан таққослаб, ўша йўлни қўллашга ҳаракат қилади.

(Давоми 2-бетда)

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ҚАДРИЯТЛАРИ

биётлар мазмунига уйғун равишда сингиб кетиши, узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида миллий дастурда кўрсатилган натижаларга эришишлигини таъминлаши лозим. Мазкур мақолада муаллиф янгиланаётган жамиятнинг ва унга хос бўлган янги қадриятларнинг таълим тизимига кўрсатилган таъсири ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилади.

«Тараққий топган, кучли демократик давлатни, фуқаролик жамиятини шакллантириш»дан иборат стратегик йўл давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида изчил равишда, аниқ мақсадни қўзлаб чоратадбирлар амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади. Мустақиллик йиллари даврида Ўзбекистон халқи иқтисодий ва ижтимоий соҳада, жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланиши борасида катта муваффақиятларга эришти. Пировард натижада янги ижтимоий муҳит, жамиятнинг янги маънавий ва ахлоқий қадриятлари вужудга келди. Бу йўлнинг заминини халқнинг бой, ўзига хос маданий-тарихий аънаналаридан, умуминсоний қадриятлардан, жаҳон ва Ватанимиз педагогикаси ютуқларидан илҳом қилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг негизи бўлиши Миллий модель узлуксиз таълим тизимининг ноёб тузилмаси бўлиб, мустақиллик ва жамият янгиланишининг натижаси ва ютуғидир, халқ қадриятларининг тикланиши ва янада бойитилишидир.

(Давоми 2-,3-бетларда)

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Ўш вилоятининг жанубида вазият кескинлашганга турибди ва жангарилар тўдалари жанг ҳаракатларини кучайтирмоқда. Жангарилар яқшанбага ўтар кечаси Қирғизистон ҳудудига ёриб ўтишга қўп марта уринди. Бу ҳақда Бишкекда бўлиб ўтган Брифингда Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгашининг котиби Бўлут Жонузоков маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Боткен туманида Газ қишлоғи атрофида жангариларнинг 15 кишидан иборат икки гуруҳи ҳукумат қўшинлари эгаллаб турган жойининг олдинги марраларини граната-мётлардан ўққа тутган. Жанг уч соат давом этган. Отишма натижасида жангарилар қўшинларидан бир ҳарбий хизматчи жароҳланган. Жангарилар талофати тўрт кишидан иборат.

Уш вилоятининг Қандош туманида яна бир тўқнашув бўлди. Жангарилар ҳукумат қўшинларини гранатамётлардан ўққа тутди. Жангариларнинг иккита ўқ отиш нуктаси яқсон этилди, шундан сўнг улар чекинди. Чўн-Олойда Қирғизистон-Тожикистон чегараси участкасида отишма натижасида ҳукумат кучларидан бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, тўрт киши жароҳланган. Ҳукумат қўшинларининг разведкачилар ротаси «жангарилар томонидан миная қўйилган участкага дуч келди».

Хавфсизлик кенгашининг котиби жангариларнинг мамлакат ҳудудига ёриб ўтишга, шунингдек, ундан ташқарига чиқишга ҳар қандай уриниши тўсиб қўйилди ва олди олинади, деб таъкидлади. Қирғизистон ҳарбий бўлинмалари бунинг учун «етарли куч ва воситаларга эга», деб таъкидлади у. Жангарилар эгаллаб турган қишлоқларда бандитлар маҳаллий аҳолини ҳурламоқда, одамларни уйларида кўчага ҳайдаб чиқариб, мол-мулкни тортиб олмақда. Дастлабки маълумотларга қараганда, жангарилар босиб олган қишлоқларда тинч аҳолига мансуб 150 нафар киши бор. Жангарилар йўллар ва сўқмоқларга миная қўймоқда, бу эса тинч аҳоли ҳаётини хавф остида қолдиради. Бандит гуруҳларида ўқ-дор, иссиқ қийим ва озиқ-овқат етишмаяпти, шу боис маҳаллий аҳолини талаш авж олмақда. Б.Жонузоковнинг маълумотларига қараганда, Тожикистон ўз чегара қўшинларини кучайтиришга ваъда берган бўлса ҳам, бу ваъдасини бажармади, чунки жангарилар Тожикистондан, аинқас, Жирғатол тумани орқали Қирғизистонга ўтмоқда.

(ЎЗА).

(Боши 1-бетда)

Бу йил тўғри келмаса, берилганлар орасида бошқа муносабатларни қўллашга кирилади. Демак, ҳар қандай масалани ечишда тахлил қилиш, тақослаш, конкретлаштириш, умумлаштириш каби билиш жараёнининг элементлари иштираётган эди. Иккинчи томондан, масала ечиш бундай ақлий операцияларнинг ривожланишига хизмат қилади. Кўпгина ўқувчиларимиз бу кўникмалар ўз-ўзидан шаклланиб боради, деб ўйлашади. Биз эса дарс жараёнида махсус тизимли иш орқали бу амалларни ривожлантириш керак, деб ўйлаймиз. Бу иш қанча вақти бошланса, шунча яхши бўлади.

Масалани, 5-синфда «Харфий ифодалар» мавзусини ўташим. Маълумки, сонли ифода абстракт тушунча, «харфий ифода» эса абстракциянинг кейинги юқори босқичи бўлиб, ўқувчиларда бу тушунчани ўзлаштириш қийинчилик

тудиради. Бу тушунчани пухтароқ ўзлаштириш мақсадида бир қатор масалалар ишланади. Қуйидаги масала ечилиши фикримиз далили бўлиб хизмат қилади. Қуйидаги масалани ечинг: Карим отаси билан саёхатга жўнашди. Улар шанба кун 12 км, яқшанба кун ундан а км. ортқ йўл юришди. Улар икки кунда неча км. ўтишди?

ЭРКИН ФИКРЛАШ МАШАҚҚАТИ

Аввал ўқитувчи масала ечишининг умумий алгоритмин келтиради:

- 1. Масалани диққат билан ўқиб чиқинг.
2. Матндаги тушунмалар сўзларини кутати (отана, ўқитувчи) ёрдамида аниқлаб олинг.
3. Дафтарга масала шартини ёзинг (чизмасини тасвирланг).
4. Масалада берилганлар

орасида муносабатни ўрнатиш, хотирада тиклаш ва дарсдангиз, маълумотномадан топиш.
5. Ҳисоблашни бажариш.
6. Натижасини ёзиш.
Ушбу алгоритм бўйича масала қуйидагича ечилади:

- 1. Масала ўқувчилар ёрдамида диққат билан ўқиб чиқилади.
2. Отаси ва Каримнинг

шанба кун юрган йўли 12 км - маълум.
Яқшанба кунда юрган йўли - номаълум (а км. ортқ)?

3. Энди берилганлар орасидаги муносабатни кўрамиз:
Шанба кун - 12 км;
яқшанба кун а км. ортқ,
яъни 12+а;
иккала кунда:
12+(12+а)=12+12+а=24+а;

ҳарфий ифода тузилди.
4. Ҳисоблашни бажариш. а=3 да 24+3=27 (км)
5. Жавоб: 27 (км)
Худди шу йўл билан ўқувчилар а=8; 0 ҳисоблашни бажардилар.
Фикрлаш фаолиятининг амалларини шакллантириш, масала ечиш орқали, тизимли олиб берилиши керак, яъни биринчи босқичда ўқитувчининг ўзи масала ечилишини намуна сифатида кўрсатиб бериши, иккинчи босқичда, қисман ёрдам билан, учинчи босқичда эса, ўқувчининг ўзи мустақил бажара олиши керак. Бу ишларни бажаришда доимо савол-жавоб орқали ўқувчининг нутқи кузатилиши керак. Чунки ўз фикрини баён қилиш нутқ орқали амалга оширилади, киши нутқда фикр янада сайқалашади.

Шарофат ЮНУСОВА, Т.Н. Қори Ниёзий номидagi Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқоти институти ходими

Мустақиллик эълон қилинганда мен ўн ёшда эдим. Кўз очиб юмгунча саккиз йил ўтди. Ўқувчилигим ортда қолиб, талабаллик насиб этди.
XX аср оғирлаб бормоқда, XXI асрга бир доvon қолди. Одамларимиз, айникса ёшлар ҳаётига янги янги тушунча, атама, иборасузалар кириб келди. Биз талабалар тилимиздаги бундай тушунча-атамаларнинг маъно-маъмунини ҳамма вақт ҳам тўғри англай олмаб қийналамиз. Натижада таълим жараёнида, айникса ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича таълим асосида махсус курсларни кўнгилдагидек ўзлаштириб бўлмайдим. Айтайлик, «менталитет», «маркетинг», «менеджмент», «маънавият», «марифат», «миллатпарастлик», «миллатчилик», «миллий манфаат», «миллий онг», «руҳият», «ўз-ўзини» англаш, «мониторинг», «муҳолифат» ва бошқа кўпгина тушунча атамалар этимологияси, аниқлаш маъносини ҳамма бирдек тўғри тушунади,

деб бўлмайдим. Бу борада талаба-ўқувчиларнинг мушуқли осон бўлди. «Мустақилликнинг изоҳли илмий-оммабоп лугати» китоби 20 минг нусхада нашрдан чиқди. Университетимиз кутубхонаси мазкур лугат билан бойиди. Лугатда ҳозир санаб ўтилган ва бошқа атама-тушунчаларга бирма-бир изоҳ берилди. Лугат биз илм толиблари учун жуда қўл келди. Ҳеч

берилган. Истиклол - бу кўтарилиш, ўсиш, қаддини ростлаш деган маъноларни аниқлаётган экан. Лугатда изоҳланишича, «истиклол»нинг барча маънолари рўёбга чиққан, том маънодаги Мустақилликка эришилади. Ана шу маънода «Мустақиллик» тушунчаси, дейилади лугатда, «истиклол» сўзидан келиб чиқади. «Истиклол» сўзи «Мустақиллик» атамасига нисба-

ЛУҒАТГА ЭҒА БЎЛДИК

кимга сир эмас, амалиётда баъзи ижтимоий-сиёсий атамалар маъносини англаш, фарқлаш осон эмас. Лугатда эса ана шундай атамаларнинг маъно нозикликлари тушунтириб берилган. Мисол учун «Мустақиллик» билан «Истиклол» сўзлари маъносини биз талабалар деярли фарқлай олмадик. Мазкур лугатда бу атамалар қиёслаб, уларнинг маънолари изоҳлаб

тан бирламчидир. Бинобарин, саккиз йиллигини нишонлаган мустақил Ўзбекистонимиз моҳиятини ифодаловчи энг залворли ижтимоий-фалсафий тушунчаларни англаб етишимизда лугат жуда асослидир.
Фурсатдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, бу лугатга ҳозирги кунда кўп ишлатилаётган «дунёвий давлат», «салоҳият», «экстре-

Тақриз
«Фундаментализм», «истиқлол», «ақидапарастлик», «мутаассиблик», «ушган жиноятчилик» сингари сўзлар кирмай қолган. Шунга қарамай, китоб биз ёшларнинг Мустақиллик ва унинг неъматларини чуқурроқ англашишига ҳамда кадрларимизда гоёт муҳим манба бўлиб хизмат қилади.
Лугатнинг нодирлиги яна шундаки, унда саналар, шахслар, инсониятнинг маънавий мероси, фалсафий тафаккурига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимиз Ал-Фарғоний, Ал-Фароғий, Ал-Термизий, Ал-Ҳоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.
Отабек НАЗАРОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультети, 2 курс талабаси

Xalq ta'limi fidoyilari

Бугун жамият мактаб олдида катта талабалар кўймоқда. Бу талабни бажаришда мамлакатдаги илгор ўқувчилар ва педагогик жамоаларнинг илгор гоғлари катта аҳамият касб этади. Шундай экан, ҳозирги таълим ислохотлари даврида ўқитувчи фидокорона меҳнати, гоғвий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди, ижодий изланиши, инсоний фазилати, билимдонлиги ва маданиятлиги билан ўз ўқувчиларининг онгда кеңадиган жараёнларга таъсир этувчи кучдир.
Шунинг учун ўқитувчи таълим бераётган фанини, унинг илмий муаммоларини яхши билимоғи, ўз билимини ошириш устида муттасил изланиши ло-

ўқитувчиларидан ҳам изланувчанлик ва меҳнатсеварликни талаб этади.
Ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, уларнинг ютуқларидан қувонади, камчиликларини тузатади, ёш ўқитувчиларга доимо услубий ёрдам кўрсатади. Муаллима бошланғич таълим муаммолари ҳақида матбуотда кўпгаб чиқишлар қилиб туради. Яқинда ўқитиб Бошланғич синфларда «Синфдан ташқари ўқитишнинг йўл-йўриқлари» мавзусидаги рисоласи чоп этилди.
Айни кунда ушбу ўқув қўлланма бошланғич синф ўқитувчиларига ўқув режалар тузишда, синфдан ташқари ўтказилаётган ишларни ташкил қилишининг методик усулларини эгаллашда қўл келмоқда.

ИЗЛанишлар ДАВОМ ЭТАДИ

зим. Юртимизда шундай масъулиятни хис қилиб, сидқидилдан ишлайдиган муаллимлар талайгина.
Шунлардан бири Қашқадарё вилоятидаги энг илгор ўқув масканларидан бўлган Қарши шаҳридаги Курбон Улжабоев номидаги 25-ўрта мактабнинг бошланғич синфлар бўйича мудираси, «иктисод алифбоси» муаллимаси Тансиқ Маматовадир.
У ўз касбини сидқидилдан севадиган, саҳий қалб, болажон муаллимадир.
Мактаб бошланғич синфларида 577 нафар бола ўқийди, бошланғич синфлар учун алоҳида услубият хонаси ташкил этилган.
Услубият хонасини биллилар хонасига айлантиришда Тансиқ Маматованинг хизмати катта. Тансиқ Маматова ўз устида тинмай изланади. Меҳнатсевар муаллима бир неча марта вилоят ва Қарши шаҳар мактаблари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларида иштирок этиб, яхши натижаларга эришди.
Талабчан муаллима

Педагогик қобилият - бу ўқитувчиларга хос бўлган кўпгина яхши сифатлар мажмуасидир. Ва бу яхши сифатлар, яъни меҳнатсеварлик, ишга ижодий ёндашиш, қамтарлик, ваъминлик, тиришқоқлик, ҳушмуомаллик ва болаларни севиб ва улар шахсини ҳурмат қилиш сифатлари лавҳасида қаҳрамони Тансиқ Маматовада мужасамдир.
Муҳими, Тансиқ Маматова ўзи ишлайдиган 25-мактаб жамоаси орасида обрў қозонган, ўқувчиларига меҳрибон, олиёҳаноб муаллима, уйда саранжом саришлати бека, учта фарзанднинг онаси, оқила аёл.
Халқ таълимини ривожлантиришдаги хизматлари учун Тансиқ Маматова бир неча бор вилоят халқ таълими бошқармаси ва Қарши шаҳар халқ таълими бўлимининг Фаҳрий ёрлиқлари ва қимматбахо совғалари билан тақдирланган. Зеро, бу эътибор уни доимо янги-янги изланишларга чорлаб туради.
Бўришоҳ НОСИРОВА Қашқадарё вилояти

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА КИЧИК ОЛИМПИАДА

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга жорий этиш борасида Китоб туманида қатор ибратли ишлар амалга оширилмаётган. Шунлардан бири бошланғич синфларда ўтказилаётган кичик олимпиададир.
Муҳиримиз яқинда Китобда бўлиб, туман ХТБ мудири Хабиба Худировани билан худди ана шу хусусда суҳбатлашди.
— Авваломбор шуни айтиш, сиз сўраётган уша ибратли ишлар вилоятимиздаги ҳар бир туманда ҳам топилади. Менимча, бундай ўта ибратли ишларнинг кўлами ҳақида гап кетганда вилоятнинг Қарши шаҳри, Ғузор, Қасби ва Шахрисабз туманларини алоҳида тилга олмақ жоиз.

Бизда эса «Кичик олимпиада» деб номланувчи бошланғич синф ўқувчиларининг туман фан олимпиадасини муҳим янгилик сифатида қайд этса бўлади. Гап шундаки, унинг жажжи гоғлиблари ўз мактаблари рейтингига каттагина «балл» олиб бериш билан биргаликда ўзлари ҳам мактаб, ХТБ ва туман ҳоқимлиги ва хоҳий ташкилотлар томонидан муносиб тақдирланмоқдалар. «Кичик олимпиада»нинг йўлга қўйилиши бошланғич синфларимизда таълим-тарбиянинг самардорлигини янада оширди. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳам, ўқитувчиларда ҳам, отаналарда ҳам қандайдир ижодий ўзгариш пайдо бўлди. Айни кунда туманимиздаги 800 дан ортқ бошланғич синфларда фаолият кўрсатаётган муаллимларнинг барчаси ўз шогирдларини туман «Кичик

олимпиадаси»га олиб чиқиш таъбири билан яшапти, десам ишонаверинг. Ахир, гоғлиб кичиктоиларнинг ўқитувчилари ҳам раббатлантирилади, уларнинг жамоа ва эл орасидаги ҳурмати ошади, керак бўлса уларнинг тоифалари кўтарилади.
— Хабиба опа, оммалаштиришга лойиқ ишлардан яна ҳақиларини айта оласиз?
Jarayon
— 1997 йилдан буён ҳар йили ўзининг беқиёс катта меҳнати билан туман маорифида алоҳида ҳурмат қозонган марҳум муаллимларимиздан Г. Юсупов, М. Ашуров, М. Бойев, М. Ҳофизовлар хотирасига бағишлаб туман миқёсида педагогик ўқишлар

ташкил этганмиз, гоғлибларга муқофотлар ва имтиёзлар ташкил этганмиз. Бу усул билан ҳам ҳар йили биз неча неча нафарлаб филодий, ташаббускор муаллимларни танлаб олаётимиз.
Туманимиздаги 12 та мактабни «Таҳриб таълим мактаби» деб танлаганимиз. Ана шу илм масканларимизга ҳар кун турли-туман мактаблардан муаллимлар ташириб буюришиб, ўзаро тажриба алмашадилар, услубий ёрдам оладилар.
Туманимиз миқёсида ўтадан «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йил бош етакчиси», «Йил тўғрақ раҳбари», «Йил мактаби», «Йилнинг энг янги фан хонаси», «Йилнинг энг аъло кўргазмаси» каби қатор одатий танловлар таъбирда ҳамма вақт катта тортишув ва баҳслар остида ўтади.

Хабиба опа, олимпиадаларда туман ўқувчиларининг иштироки қандай бўлаётир?
— Мана, сўнгги 4-5 йил давомида ўқувчиларимиз фан олимпиадаларида ва иктидорли ўқувчилар кўрик-танловларидаги натижаларига кўра, вилоятда биринчи, иккинчи ўринлардан дастга тушишгани йўқ. Ўтган йили ҳам фан олимпиадалари натижаларига кўра, вилоятда Ғузор туманидан кейинги иккинчи ўринни эгалладик.
Тест натижаларига кўра ҳам туманимиз маорифчилари эътиборли ўринда туришибди. Қилиниши лозим бўлган кўпгина ишларимиз ҳали олдинда турибди.
Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ

Сурхондарё вилояти Ф. Ғулом номидаги болалар кутубхонасида Термиз шаҳар 16-болалар боғчаси тарбияланувчилари иштирокида «Ўзбекистон болалари» номли эртакли ўтказилди. Кутубхоначилар томонидан «Ўзбекистон келажати» деб номланган театрлаштирилган саҳна кураиниши намойиш этилди. Фарангиз Бобоева, Зилола Бурниева, Санжар Иброҳимов, Бобур Рузиевлар ҳаяжон билан Ватан, Тинчлик, Душлик ҳақида уқитан шеърлари, Ўзбекистон ҳақида тараннум этган қўшиқлари барчанни руҳлантирди. Эртаклик «Истиклол» — истиқбол» деб номланган китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Кутубхона раҳбарияти томонидан жажжи китобхоналарга эсалик совғалари тақдим этилди. Эртаклик болалари катта таасурот қолдириди.
Садбархон ЖҲРАЕВА

Himmat

Ўзбеклар азалдан болажон халқ; эҳтиёжига ярашасидан озгина ортқча маблаг жамағарди дегунча болаларнинг келажаги ҳақида гапмуҳрилик қила бошлайди. Бу ҳаракатлар ва сарфланадиган харажатлар, албатта, уларнинг яхши ўқиб тар-

нинг ташаббуси билан ўқув йили бошланишида корхонада меҳнат қилаётган ўттиздан зиёд ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига зарур ўқув қуроллари, дарсликлар сотиб олиш мақсадида 100 минг сўм ажратилди.
Андижон «Электроаппа-

на таъмирдан чиқарилди. Вилоятда ишлаб маблаг топаётган ва даромадининг бир улушини ҳеч иккиланмай таълим масканларига ҳадя этаётган корхоналарнинг тобора

ИМКОНИЯТДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

бияланишлари ва истиқболда қомил инсонлар бўлиб етишишига қаратилади. Андижондаги кўпгина корхоналар ҳам ана шу мақсадда зиё масканларига ёрдам кўрсатапти. Мисол учун, вилоятдаги сардаромад ҳисобланган «Ризк» ҳиссадорлик жамияти раиси Қўчқорбой Юсупов-

рат» ҳиссадорлик жамияти ҳам худди шу йўлни тутди. Корхона бунга қўшимча равишда ўз оталиғидаги 29-мактабга 70 минг сўмлик ёрдам кўрсатди.
Пойтўғ шаҳридаги вилоят механика устахонаси жамоасининг мадади туфайли эса, Изобоскан туманидаги 13-, 20-мактаблар ҳамда 5-болалар боғчаси дурусти-

кўпаяётгани қувонарли ҳолдир. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳукуматнинг халқ таълимини ривожлантириш соҳасидаги ички сиёсатининг амалга оширига кўрсатилмаётган ёрдам бўлиб, келажда ўзининг меvasини беради.
Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз муҳбиримиз



Яқинда ҚиҒрай туманидаги Республика болаалар полиомелит шифохонасида меҳрмуруват байрами ўтказилди. Тантанана Н.Х.Икнатов раҳбарлигидаги «Бахт назир» МЧЖ жамоаси бош-қош бўлди. Тадбир бу ерда давоаланган юздан ортққ болалар қаҳбида катта таасурот қолдириди.
Суратда тантанадан лавҳа акс этган.
Даврон АҲМАД олган сурат

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ: ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ КАДРИЯТЛАРИ

(Боши 1-бетда)
Жамият ва таълим кадриятлари - унинг ижтимоий институти сифатида доимо ўзгариб боради, уларга аниқликлар киритилади. Бирок, уларнинг прогрессив йўналишлари асридан давомида ўзгаришсиз қолмоқда. кадриятларнинг туз моҳияти - Инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва гоғларига, яшаш шарт-шароитлари ва жамиятдаги ўзаро муносабатлар нормаларига қаратилганлиги бирдек сақланиб қолмоқда. Умуминсоний, миллий-маданий кадриятлар таълим маъмурида ва уни ташкил этиш жараёнида, унинг маънавий ва маданий мақсадлари моҳиятида объектив равишда ўз ифодасини топади.
Жамият ва шахс таълимга нисбатан у қандай мақсадга қаратилганини, унинг жараёни ва натижаларига қараб муносабатда бўлади. Уқдирилган категориялар ижтимоий ва тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқади. Жамият ўз ривожининг ҳар бир босқичида таълим олдида муайян мақсадлар қўйиб келган, унинг зиммасига вази-фарлар юклаган. Шу асосда таълим жараёнининг ташкил этилиши ва унинг маъмурида, таълимнинг пировард натижаларига нисбатан талаблар қўйилган. Бошқача қилиб айтганда, давлат ва жамият таълимга нисбатан муайян сийёсат юритар экан, эш авлодини жамиятда қарор тойдган кадриятларга мурофиқ равишда шакллантирган.
Советлар Иттифоқи даврида ҳукм сурган тоталитар тузумнинг таълим олдида қўйган мақсади - эш авлодини коммунистик мафкура ва кадриятлар, яъни «коммунизм гоғлар» режимида сўзсиз итоткорлик ва садоқат, ўзгача фикрларга нисбатан беаёв кураш, жанговар атеизм, онг ва ҳулқ-атворнинг «қуйилган» қолипдан чиқмаслиги ва шу ка-

билардан иборат бўлган. Ижтимоий онгининг қўшқатлиги одамларнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашу-нини келтириб чиқарди. Негаки, жамиятнинг оддий аъзолари реал ижтимоий жараёнлар билан мафкуравий ваъз-хонлик ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигининг шоҳиди эдилар.
Расмий мафкуравий кўрсатмаларнинг норезал эканлигини эмас, балки ижтимоий онгни ҳар кун оммавий равишда бузиш ҳолатлари ҳам уша давр ижтимоий онгининг ўзига хос муҳим жиҳати эди. Одамлар ўзларига тиқиштирилаётган мафкуравий кўрсатмаларнинг нақадар сохта эканлигини кўра била туришларига қарамай, расмий мафкура улар онгига ўз таъсирини ўтказишдан тўхтамас эди. Бунга таълим тизими орқали ҳам айникса кўпроқ эришилади.
Кўп йиллик мафкуравий ҳукмронлик одамларни танқидий нуктан назардан қараш, мустақил равишда фикр юритиш қўникмаларидан беғоналаштириб қўйди. Танқидий фикрлаш, ижтимоий-сиёсий, маънавий муаммоларни мустақил тахлил этиш қўникмаларининг ривожланмаганлиги ва ўз навбатида, танқиддан йирок бўлган қоралашга ўрганиб қолинганлиги - тоталитар ҳукмронлик даврида ижтимоий оннга етказилган энг жиҳдий путур бўлди.
Авторитар педагогикага, мажбурият педагогикасига, ўқув режалари ва дастурлари бир қолипда бўлиб, ўқувчилар таълим ва тарбиянинг пассив объекти бўлган даврдаги ўқув жараёни (унинг ташкил этилиши ва маъмуни) ҳам худди юқорида таъкидлаб ўтилгани каби аҳволда бўлган. Бунинг натижаси ўларок, «улкан коммунистик машинанинг мурувати бўлган» ўртамеъна битирувчилар шаклланди.
Бирок, икки хил ахлоқ, икки хил ижтимоий онг (расмий ва асл ҳаётдаги онг) мавжудлиги жамиятда ва айрим фуқароларда таълимга нисбатан расмий муносабатдан фарқли ўларок, муқобил муносабат шакллантирди. Шунинг учун ҳам уша даврларда расмий педагогикага монанд келмайдиган «илгор» педагогик жараёни ташкил этишга ҳаракат қилган муаллимлик мактаблари ёки педагогик технологиянинг айрим «оролча»ларини юзага келиши мумкин бўлган, алоҳид.
Таълимнинг вазифаси - ижтимоий фаолият соҳаси сифатида ҳозирги даврда жамиятнинг, умуман жаҳон цивилизациясининг кадриятларини ўзлаштириш жараёнида шахсининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам таълим ўқитиш ва мустақил

тимой-қасбий қўникмаларга эга бўлиш эмас, балки шахс турли қобилиятларининг уйғун мажмуи, бу қобилиятларни рўёбга чиқариш ва улар самардорлигининг юксак даражасидир. Шунинг учун олдинги авторитар педагогикага хос бўлгандек, ёлғиз таълимнинг ўзигина таълим жараёнида етакчи фаолият бўла олмайдди. Таълимга доир ҳар бир конкрет вазиятда жараён иштирокчиларининг манфаатлари ва мақсадларига қараб, тизимни таркибий қисмин ташкил этувчи жараёнлар етакчи бўлиб қолади. Бундай етакчи жараёнлар шахсни ва унга хос хислатларни ривожлантириш, унинг ўз-ўзини ривожлантириши учун шарт-шароитлар яратиши шарт. Бошқача қилиб айтганда, таълим жараёнида шахсни ривожлантириш устуворлиги таъминланади.
Янгиланган жамият асосий категория ҳисобланмиш эркинликни янгиҳасига англайди ва рўёбга чиқаради. Эркинлик биринчидан, инсоннинг ўз манфаатлари ва мақсадида асосланган фикрлаш ва ҳаракат қилиш имконияти ҳақида қобилиятидир; иккинчидан, ташқи муҳит ва вазиятлар таъсиридан холийлиқдир; учинчидан, қабул қилинган қарор учун жавобгарлиқдир.
Жамият, шахс эркинлигини таъминлаётган бўлса, юридик ва ахлоқий нормалар одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида инсонпарварлик вазифасини бажаради. Экстремизм, зуравонлик, мажбурият каби ташқи омиллар ёки маслаксийлик, ирода-сиёсийлик каби ички хислатлар эркинликка қарама-қарши қўриқчилардир.
Ҳар бир фуқаро жамият бошқа аъзоларининг эркинлигига раҳна солмаслик учун қонунларга риоя этиши, ижтимоий ҳулқ-атворни, «ўз эркинлиги қўламини» йўлга солиб бориши шарт. Бу эса, ривожланган ҳуқуқий маданиятни талаб қилади. Фуқароларда янгиҳа ҳуқуқий фикрланиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласига Ўзбекистон Президенти И.Каримов доимий эътиборни қаратиб келмоқдалар. Жуылдан, Олий Мажлисининг XIV сессиясида: «Ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, яъни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда қўрайдиган» шахсни тарбиялаш заруриятини таъкидлаб ўтилди.

Olimalar

МАТЕМАТИК ТАРИХЧИ

Маъмур академиясининг тарих, археология ва фалсафа бўлими мудариси, 32 ёшли Гулором Машарипова хозирги кунда «Хоразм X-XII асрларда: аниқ фанларнинг ривожланиши» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Сўхбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Гулором опа, асли мутахассисаингиз математик бўла туриб, тарих билан шуғулланишингизнинг боиси нимада?

— Ҳар бир фан ривожининг ўз тарихи бўлгани каби, Турон заминда математиканинг ҳам ўзига хос шаклланиш босқичлари, ўтмиши мавжуд. Лекин унинг бу тарафи жуда кам ўрганилган. Юртимизда математика тарихини тадқиқ қилган олимларимиз бармоқ билан санарли даражада. Хозирги кунда фақат беш нафаргина олим бу борада муҳим ишларни олиб бораётган. Мен ёшларимдан математика фанининг қадим асосларини ўрганишга жуда қизиқардим. Хива педагогика билим юртини тугатганимдан сўнг, янада мукамалроқ тахсил олиш мақсадида Тошкент Давлат университетининг математика факультетига ўқидим. Шу давр мобайнида форс, араб ва инглиз тилларига бемалол сўзлашганим ўрганим. Чет тилларини мукамал билганим математикага оид тарихий кўлашларни ўрганишимга имкон яратди.

— Номзодлик диссертациянгиз «Абу Али ибн Синонинг «Усул ал-ҳандаса» асарининг математик маънода сифатида фан тарихигаги ўрни мавзусида экан. Машҳур Шарҳ табиби номи ила шуҳрат қозongan ибн Синонинг математикага оид асари ҳам бор эканда?

— Ҳақиқатдан ҳам бор. Унинг «Китоб ал-шифо» асарининг 3-туркуми геометрияга бағишланган. Ҳали бу туркум дунёда араб тилидан бошқа бирон халқ тилига таржима қилинмаган. Шу боис, кўпчилик бу ҳақда етарли маълумотга эга эмас. Мен яқинда «Усул ал-ҳандаса»ни араб тилидан ўзбекчага таржима қилдим. Аф...

суски, уни нашр эттириб, улар илҳомларига туҳфа этиши бироз муаммо бўлиб турибди.

— Асосан докторлик ишим билан бандман. Кўпчилик унчалик етарли манбала бумасида, муҳим кўлашлар мавжуд. Афсус, энг нодир маънавий бойликларимиз чет мамлакатларга сакланмоқда. Уларни кимдир ўқийди, айримлари йиллар давомида очиб кўришасан турибди. Иложини топсам, ўша кўлашларни топиб тадқиқ қилиш ниятидаман. Чунки ўша манбаларимизга биз учун қоронғу тарих лавҳалари яшириниб ётибди. Улар илм жаҳоидлари сифатида биз учун ўша муҳим ва зарур бойликдир.

— Сиз Маъмур академиясининг тарих, археология ва фалсафа бўлимининг мудири сифатида қандай ишларни амалга оширяпсиз?

